

VIII. ДЕМОГРАФИЯ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3910,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 33,5 минг кишига ёки 0,9 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони

(2020 йил 1 июль ҳолатига, минг. киши)

	Жами аҳоли сони	шу жумладан:		жами аҳоли сонидан:	
		эркаклар	аёллар	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Вилоят бўйича	3910,8	1966,8	1944,0	1448,6	2462,2
Самарқанд ш.	549,9	266,2	283,7	549,9	0
Каттакўрғон ш.	90,2	45,0	45,2	90,2	0
<i>туманлар:</i>					
Оқдарё	160,0	80,6	79,4	62,5	97,5
Булунғур	187,8	95,8	92,0	41,9	145,9
Жомбой	173,8	87,7	86,1	38,8	135,0
Иштихон	255,7	128,7	127,0	69,5	186,2
Каттакўрғон	274,3	139,2	135,1	52,3	222,0
Қўшрабат	132,5	67,5	65,0	12,4	120,1
Пайариқ	251,9	130,3	121,6	73,0	178,9
Пастдарғом	356,0	178,7	177,3	92,5	263,5
Пахтачи	144,9	71,9	73,0	28,4	116,5
Самарқанд	253,8	128,3	125,5	15,5	238,3
Нарпай	214,1	108,8	105,3	64,3	149,8
Нуробод	151,1	76,0	75,1	17,4	133,7
Тайлоқ	202,4	102,1	100,3	24,7	177,7
Ургут	512,4	260,0	252,4	215,3	297,1

2020 йил 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони
(минг киши)




2020 йилнинг январь-июнида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар минг аҳолига, нисбатан	
	2019й.	2020й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2019й.	2020й. ¹⁾
Туғилганлар	44631	44444	-187	23,6	23,0
Ўлганлар	7848	7740	-108	4,1	4,0
Табиий ўсиш	36783	36704	-79	20,0	19,0
Никоҳлар	11583	7149	-4434	6,1	3,7
Ажралишлар	1709	1302	-407	0,9	0,7

¹⁾дастлабки маълумот


2020 йилнинг январь-июнида аҳолининг табиий ҳаракати, (киши)



Туғилиш. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 44 444 бола туғилган ва 2019 йилнинг шу даврига (44 631 бола туғилган) нисбатан 187 тага камайди, туғилиш коэффициенти эса 23,0 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-июнида 23,6 промилле).


Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тайлоқ (22,5 дан 24,3 промиллега) кузатилди.

Худудлар кесимида туғилганлар сони ва коэффициенти



Ўлим даражаси. 2020 йилнинг январь-июнида вафот этганлар сони 7 740 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (7 848 киши) нисбатан 108 тага камайди. Ўлим коэффиценти эса 4,0 промиллени ташкил қилди (2019 йил январь-июнда 4,1 промилле).

Худудлар кесимида вафот этганлар сони ва коэффиценти
(2020 йил январь-июнь)




Ўлганлар сонининг кўпайиши Каттақўрғон шаҳрида (4,6 дан 5,4 га), Жомбой (3,9 дан 4,1 промиллега), Каттақўрғон (3,5 дан 3,6 промиллега), ва Тайлоқ (3,7 дан 3,9 га) туманларида кузатилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 60,9 фоизи - қон айланиш тизими касалликлари, 7,4 фоизи - ўсма касалликлари, 5,2 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлар, 5,1 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари, 3,7 фоизи - нафас олиш органлари касалликлари, 1,3 фоизи - инфекция касалликлари ва қолган 16,4 фоизи эса бошқа касалликлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузулиши

(2020 йилнинг январь-июнь ҳолатига, фоизда)



Никоҳ. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 7 149 киши никоҳи қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 3,7 промиллега ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффиценти сизиларли даражада камайиши Оқдарё (5,9 дан 3,2 промиллега), Булунгур (6,4 дан 4,0 промиллега), Жомбой (6,2 дан 4,2 промиллега), Иштихон (5,9 дан 3,9 промиллега), Қаттақўрғон (6,3 дан 3,7 промиллега), Қўработ (6,0 дан 2,5 промиллега), туманларида кузатилди


Ҳудудлар кесимида тузилган никоҳлар сони ва коэффиценти (2020 йил январь-июнь)



Никоҳдан ажралишлар. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 1 302 киши никоҳдан ажралганлиги қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,7 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг сезиларли даражада камайиш Самарқанд шаҳарда (1,3 дан 1,2 промиллега), Каттақўрғон шаҳарда (1,6 дан 1,2 промиллега), Оқдарё (0,9 дан 0,5 промиллега), Жомбой (0,9 дан 0,5 промиллега), Иштихон (0,8 дан 0,6 промиллега), ва Тайлоқ (0,8 дан 0,3 промиллега) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти (2020 йил январь-июнь)



Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2 246 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5 445 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 3199 киши (2019 йилнинг шу даврида минус 2 523 киши)га тенг бўлди.

2020 йил январь-июнида аҳолининг миграция кўрсаткичлари (киши)

	<i>Келганлар</i>		<i>Кетганлар</i>		<i>Миграция салъдоси</i>	
	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>
Вилоят бўйича	4397	2246	2636	5445	-1761	3199
Самарқанд ш.	1349	453	1165	838	-184	385
Каттақўрғон ш.	100	146	213	175	113	29
<i>туманлар:</i>						
Оқдарё	56	63	83	315	27	252
Булунғур	254	154	93	327	-161	173
Жомбой	354	179	52	151	-302	-28
Иштихон	197	90	77	294	-120	204
Каттақўрғон	151	110	162	794	11	684
Қўшрабат	263	64	54	236	-209	172
Пайариқ	144	82	101	371	-43	289
Пастдарғом	182	71	77	311	-105	240
Пахтачи	283	164	124	406	-159	242
Самарқанд	409	310	53	242	-356	-68
Нарпай	236	166	114	266	-122	100
Нуробод	30	14	69	180	39	166
Тайлоқ	239	111	38	184	-201	73
Ургут	150	69	161	355	11	286

Энг катта минус қолдиқлар Самарқанд (минус 68), Жомбой (минус 28) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-июнида бандликка кўмаклашиш марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 39201 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат қилганлар Пайариқ (4 204 киши), Самарқанд шаҳрида (3 789 киши), Каттақўрғон (3 258 киши), Пастдарғом (2 837 киши), Самарқанд (2 758 киши), Иштихон (2 544 киши) туманларида кўп.

**Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишга жойлаштирилган
фуқаролар сони (киши)**

